



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 29 » mart

№ 166

Toshkent sh.

### Атмосфера ҳавосига транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони ҳамда “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда транспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини, шу жумладан, атмосфера ҳавосига заарли ташламалар ҳажмини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда – Экология вазирлиги), Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **2024 йил 1 июндан бошлаб барча тоифалардаги автомототранспорт воситаларидан** (кейинги ўринларда – транспорт воситалари) ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера ҳавосига заарли таъсири бўйича йўл қўйиладиган нормативларга (кейинги ўринларда – нормативлар) мослигини назорат қилиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи “**Экологик транспорт**” тизимини босқичма-босқич жорий этиш:

худудларни улардаги атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиқиб, илғор хорижий тажриба ва инновацион технологиялар асосида “яшил”, “сарик” ва “қизил” ранглар билан белгиланадиган “тоза”, “ўрта” ва “заарли” экологик зоналарга ажратиб бориш;

транспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини автоматик баҳолаш тизимига асосан диагностика текшируви жараёнида аниқлаш ва натижалари бўйича қалбакилаштиришдан ҳимояланган ҳамда электрон белгига эга бўлган экологик стикерлар бериш орқали транспорт воситаларини “яшил”, “сарик” ва “қизил” ранглар билан белгиланадиган “тоза”, “ўрта” ва “заарли” экологик тоифаларга ажратиб бориш;

экологик тоифаси ҳудуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган транспорт воситаларига нисбатан **экологик компенсация тўловларини жорий этиш ёхуд улардан тегишли экологик зоналар ҳудудида фойдаланишини чеклаш ёки тақиқлаш**;

б) “Экологик транспорт” тизимини қуидаги босқичларда жорий этиш:

**биринчи босқичда (2024–2026 йилларда) – Тошкент шаҳрида;**

**иккинчи босқичда (2026–2028 йилларда) – Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида ҳамда, заруратга кўра, алоҳида экологик зоналарда (сайёхлик маркази, табиат қўриқхонаси, соғломлаштириш ҳамда дам олиш масканлари ва бошқалар);**

**учинчи босқичда (2028–2030 йилларда) – бошқа барча ҳудудларда;**

в) экологик тоифаси ҳудуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган транспорт воситаларидан экологик зоналар ҳудудида фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик учун **жавобгарлик чораларини белгилаш** ҳамда жарима маблағларини мамлакатнинг экологик ҳолатини яхшилашга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга мақсадли йўналтириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2024 йил 1 июндан** бошлаб республиканинг барча ҳудудларида транспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини аниқлаш ва натижалари бўйича экологик стикерлар бериш **мазкур хизматлар** учун алоҳида **тўлов ундирилмасдан** транспорт воситаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида **рўйхатга олиш** ва **қайта рўйхатга олиш** жараёнида босқичма-босқич амалга оширилади;

б) мазкур банднинг “а” кичик бандидан бошқа ҳолатларда **экологик стикерларга** эга **бўлмаган транспорт воситалари** уларнинг нормативларга мослиги даражасини аниқлаш ва натижалари бўйича экологик стикерлар бериш тартиботларидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида мазкур хизматлар учун алоҳида **тўлов ундирилмасдан** қўйидаги муддатларда **ўтказилиши зарур**:

**2027 йил 1 январга қадар – Тошкент шаҳрида;**

**2029 йил 1 январга қадар – Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида** ҳамда экологик зоналарга ажратилган алоҳида **экологик зоналарда**;

**2031 йил 1 январга қадар – бошқа барча ҳудудларда;**

в) экологик стикерларга эга бўлган транспорт воситалари **ихтиёрий равишда** уларнинг нормативларга мослиги даражасини қайта аниқлаш ва натижалари бўйича янги экологик стикерлар бериш тартиботларидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида **бир йилда бир марта** ушбу хизматлар учун алоҳида **тўлов ундирилмасдан** **ўтказилиши мумкин**;

г) электромобил ва электромотоцикллар ҳамда ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган бошқа турдаги транспорт воситалариға уларнинг эгалари томонидан онлайн ахборот тизимлари орқали юборилган мурожаатлар асосида реал вақт режимида “яшил” экологик тоифасига мансуб экологик стикерлар мазкур хизматлар учун алоҳида тўлов ундирилмасдан диагностика текширувисиз берилади ва поча орқали юборилади;

д) шошилинч ва тезкор хизмат транспорт воситаларидан ҳамда жамоат транспортидан (такси ва йўналишли таксидан ташқари) барча экологик зоналар худудида ҳеч қандай чеклов ва тақиқларсиз фойдаланилади;

е) экологик тоифаси худуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган айрим турдаги транспорт воситаларидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда экологик компенсация тўловларини амалга ошириш орқали тегишли экологик зоналар худудида **вақтинчалик фойдаланиш мумкин**.

### 3. Белгилансинки:

худудлардаги экологик зоналар чегараларини белгилаш ҳамда уларни ўзгартириш тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Экология вазирлиги таклифига асосан амалга оширилади;

транспорт воситаларининг нормативларга мослигини диагностика текширувидан ўтказиш ва аниқлаш Ички ишлар вазирлигининг **“Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази”** давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади;

диагностика ўлчов воситаларини мувофиқлик текширувидан ўтказиш Экология вазирлиги хузуридаги **Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази** томонидан амалга оширилади.

4. “Экологик транспорт” тизимини самарали жорий этиш доирасида куйидаги вазифалар юклансин:

#### а) Экология вазирлигига:

атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станцияларини **“Атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станциялари. Умумий техник шартлар”** Ўзбекистон миллий стандартига мувофиқ Экология вазирлиги томонидан тасдиқланган техник талаблар асосида харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш. Бунда, атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станцияларини харид қилишда маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга устуворлик берилади;

илфор хорижий мутахассис ва экспертларни жалб этиш ҳамда инновацион технологияларни татбиқ қилиш орқали ўзида барча экологик зоналар хақидаги умумлашган маълумотлардан иборат мамлакатнинг атмосфера ҳавоси бўйича динамик электрон экологик харитасини шакллантириш ҳамда юритиб бориш;

транспорт воситаларидан экологик зоналар ҳудудида фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарликларни аниқлашга қаратилган автоматлаштирилган **фото ва видео қайд этиш техника воситаларини ҳамда уларнинг дастурий таъминотини** харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

ўз ташкилий тузилмасида атмосфера ҳавосини назорат қилиш мониторинг марказини ҳамда транспорт воситаларидан экологик зоналар ҳудудида фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарликларни расмийлаштириш бўйича **маъмурий амалиёт бўлимини** ташкил этиш, шунингдек, уларни барча зарур моддий-техника ва дастурий воситалар билан таъминлаш;

**б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига:**

Давлат йўл ҳаракати хизмати рўйхатлаш бўлинмаларининг бино ва иншоотларини замон талабларига мос равища янгидан қуриш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш, уларнинг ҳузурида **диагностика марказларини** барпо этиш, шунингдек, уларни зарур моддий-техника ва дастурий воситалар билан жиҳозлаш;

**“Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази”** давлат унитар корхонаси тузилмасида транспорт воситаларини экологик диагностика текширувидан ўтказиш бўйича сервис хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи **экология операторлар штат бирликларини киритиши**, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш;

транспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини **автоматик баҳолаш тизимиға** асосланган диагностика текшируви воситаларини харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

экологик стикерлар бланкларини ва уларга ишлов бериш бўйича маҳсус чоп этиш ускуналарини харид қилиш ҳамда стикерларни транспорт воситаси эгасига почта орқали етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш.

**5. Экология вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги:**

**а) 2024 йил 1 июнга** қадар мазкур қарор ижроси доирасида жорий этиладиган ва амалда мавжуд электрон ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинишини таъминласин;

**б) мазкур қарорнинг 4-бандида** назарда тутилган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш учун хусусий сектор ва инвестиция маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсинг;

**в) икки ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини киритсинг:

худудларни улардаги атмосфера ҳавоси билан боғлиқ реал экологик ҳолатдан келиб чиқиб, экологик зоналарга ажратиб бориш ҳамда уларнинг атмосфера ҳавоси бўйича динамик электрон экологик харитасини шакллантириш ва юритиш тартибини;

экологик зоналар худудида ва уларга кириш жойларида аҳолини қулай тарзда хабардор қилувчи белгиларни ўрнатиш ҳамда электрон платформаларда маълумотларни жойлаштириш тартибини;

транспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини аниқлаш, натижаси бўйича уларни экологик тоифаларга ажратиб бориш, экологик стикерларнинг намуналари ва ҳимоя элементларини белгилаш ҳамда экологик стикерларни бериш, шунингдек, транспорт воситаларидан тегишли экологик зоналар худудида фойдаланишни чеклаш ёки тақиқлаш механизмларини;

экологик компенсация тўловлари асосида экологик зоналар худудида вақтинчалик фойдаланиш мумкин бўлган транспорт воситалари турлари рўйхатини ҳамда экологик компенсация тўловлари миқдори ва уларни ундириш тартибини;

транспорт воситаларидан экологик зоналар худудида фойдаланиш соҳасидаги ҳукуқбузарликларни аниқлаш, маъмурий баённомаларни расмийлаштириш, ундирилган жарима маблағларини мақсадли йўналтириш тартибини;

г) 2024 йил 1 декабрга қадар экологик тоифаси худуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган транспорт воситаларидан экологик зоналар худудида фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини киритсин;

д) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзgartариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда аҳолига “заарли” тоифадаги транспорт воситаларини “тоза”** тоифадаги транспорт воситаларига алмаштириш учун субсидия бериш тизимини жорий этиш ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва унинг ифлосланишининг олдини олишга қаратилган замонавий ёндашувга асосланган чора-тадбирларни молиялаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргалиқда **бир ой муддатда** Давлат йўл ҳаракати хизмати рўйхатлаш бўлинмаларини такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг қувватларини ошириш учун бўш турган ер участкаларини ажратиш бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

8. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ўzlари қабул қилган идоравий ҳужжатларини **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов, ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Баш вазири



А. Арипов